

ТҮҚІМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНІНГ СТРАТЕГИК РАҚОБАТ
АФЗАЛЛИКЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Гиязова Нозима Баязовна -
Бухоро давлат университети «Иқтисодиёт»
кафедрасы катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада стратегик рақобатбардош устунликларнинг замонавий саноат корхонасининг барқарор ривожланишига таъсири диагностикаси услубини ишлаб чиқиши орқали баҳолаш масаласи ўрганилган.

Калит сўзлар: стратегия, рақобатда устунлик, ривожланиш стратегияси, диагностика, услуб.

ОЦЕНКА СТРАТЕГИЧЕСКИХ КОНКУРЕНТНЫХ ПРЕИМУЩЕСТВ ПРЕДПРИЯТИЙ
ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Гиязова Нозима Баязовна -
Старший преподаватель кафедры экономики
Бухарского государственного университета

Аннотация. В статье исследуется проблема оценки влияния стратегических конкурентных преимуществ на устойчивое развитие современного промышленного предприятия путем разработки метода диагностики.

Ключевые слова: стратегия, конкурентное преимущество, стратегия развития, диагностика, метод.

ASSESSMENT OF STRATEGIC COMPETITIVE ADVANTAGES OF
TEXTILE INDUSTRY ENTERPRISES

Гиязова Нозима Баязовна -
Senior Lecturer, Department of Economics, Bukhara State University

Annotation. The article examines the issue of assessing the impact of strategic competitive advantages on the sustainable development of a modern industrial enterprise by developing a diagnostic method.

Keywords: strategy, competitive advantage, development strategy, diagnostics, method.

Кириш. Бугунги кунда барча саноат корхоналари кучли рақобат шароитида фаолият олиб бормоқда. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш биринчи навбатда рақобатда устунликка эришиши орқали эришилади. Ўзбекистонда пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли экспортбоп тайёр маҳсулот турларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш зарурати ортиб бормоқда. Шу боисдан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1].

Бу каби улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири саналган түқимачилик саноати корхоналарида стратегик рақобатбардош устунликларнинг корхона барқарор ривожланишига таъсири диагностикасини ишлаб чиқишига боғлиқ бўлиб, бу эса ушбу тадқиқот иши мавзуси долзарблигини белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бугунги кунда рақобатбардошлик тушунчасининг ягона таърифи йўқ, шунингдек, рақобатбардошлини баҳолашни шакллантирувчи умумий усуллар ва ёндашувлар мавжуд эмас. Омиллар ва таърифлар тадқиқот мавзусига, масалан, компания ёки маҳсулотга (хизматга) боғлиқдир, холос.

«Рус тилининг изоҳли луғати» да Ожегова С.И. рақобатбардошлик рақобатчиларга қаршилик кўрсатиш қобилияти сифатида тавсифланади[2]. Бу таъриф индивидуал маҳсулот ёки хизмат учун кўлланилиши мумкин эмас. Бошқа томондан, М.И. Кныш[3] ва В.П. Грошев[4] рақобатбардошлини маҳсулот ёки хизматнинг жозибадорлиги даражаси деб ҳисоблаган. Грошев маҳсулотнинг бутун ҳаётий даври давомида жамланадиган харажатларни асос қилиб олади. Бу усулнинг камчилиги шундаки, бошқа бозорда ва бошқа вақтда бу кўрсаткини ўхшаш маҳсулот кўрсаткичи билан таққослаб бўлмайди. Ушбу камчилик О.Д.Андреева[5] ва А.И.Кредисовнинг [6] таърифида такрорланади, улар турли бозорларга ижтимоий эҳтиёж даражасининг бу-тунлай бошқача эканлигини ҳисобга олмайди-лар.

Рақобатбардошлик тушунчаси кўпинча рақобат устунликлари тушунчаси билан боғлиқ. Ушбу ўхшашлик мавжуд бўлишга сабаб шундаки, чунки рақобатбардошлик рақобатчилардан тижорат мақсадларига эришишда устунлик қилиш қобилияти сифатида талқин этилади. Рақобатбардошлик-рақобат устунликларининг мавжудлигини ушловчи натижадир.

Айни пайтда рақобат иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади, шунинг учун ишлаб чиқарувчилар маҳсулот сифатини яхшилаш, нарх ва харажатларни камайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг янги йўлларини доимий равища излайдилар. Корхона ёки фирманинг муваффақияти кўп жиҳатдан товар ва хизматларга бўлган талаб билан белгиланади.

Корхонанинг рақобат устунликларини баҳолаш муаммоси мураккаб ва машақатли жараёндир, чунки рақобатбардошликтининг ўзи кўпгина омиллардан иборат. Бу баҳо бир қатор ишлаб чиқаришни бошқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарурдир.

Рақобатбардошлик - бу субъектнинг ўз хоҳиши билан рақобатга бардош бера олиш қобилиятини, рақобат ҳаракатларини бажара олиш қобилиятини ва бошқаларни кўрсатувчи хусусиятидир [7].

Рақобат устунлиги - бу иқтисодий обьектнинг ўзига хос хусусиятлари ва қобилияtlари бўлиб, у фирманинг бевосита рақобатчиларидан маълум устунлигини яратади [8].

Рақобат устунлиги - фаолиятнинг турли соҳаларида рақобатчилардан устунлик берувчи мутлақ қийматга эга бўлган тизим [9].

Бу икки таърифни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, калит - бу рақобатчилардан устунликни берувчи обьект (маҳсулот ёки бренд)нинг ўзига хос хусусиятларидир.

Бу хусусиятлар фокуслаштирилган ресурслари жиҳатидан ҳам, билим жиҳатидан ҳам нусха кўчириш учун юккори меҳнат сарфини талаб этади.

«Рақобат устунлиги» ва «рақобатдошлик» тушунчалари кўлланиладиган обьектга қараб турли маъно ва хусусиятларга эга.

Бу тушунчаларни ўрганишда иерархик тузилма, жумладан, маҳсулотлар, фирмалар, тармоқлар ва иқтисодиётларни ўхшаш рақобатлашувчи обьектлардан устунлиги нуқтаи назаридан баҳолаш бир-биридан фарқланади.

Тадқиқот методологияси. Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида танлаб кутиши, таққослаш, тизимлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Тўқимачилик саноати корхоналари рақобатда устунликларини таъминлаш бугунги кунда муҳим масалалардан

бири саналади. Шунинг учун, аввало, саноат корхоналарининг рақобатда устунликларини баҳолаш талаб этиладики, ушбу жараённи диангостика қилиш талаб этилади.

Республикамиз тўқимачилик саноат корхоналари иқтисодий ҳолати таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, барқарор ривожланишни таъминлаш учун рақобатбардош устунликларга эга бўлиш ва уларни доимий равища ривожлантириш зарур. Шу боисдан, барқарор ривожланиш омиллари ҳамда имкониятларини излаб топиш учун, бизнингча, чуқурроқ тарзда самарали усулларни қўллаган ҳолда кенг қамровли диагностикани амалга ошириш талаб этилади. Шунинг учун биз томондан тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг барқарор ривожланиш даражасини диагностика қилиш услугини ишлаб чиқдик. Ушбу услугга асосан, тўқимачилик корхоналари барқарор риволаниш даражаси диагностикаси қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

Биринчи босқич «Саноат корхонасининг барқарор ривожланиш даражаси диагностикаси» қўйидаги вазифаларни ҳал этишини ўз ичига олади:

саноат корхоналари ривожланишининг барқарорлик даражаларининг таърифи ва хусусиятлари иқтисодий адабиётларнинг мантиқий таҳлили асосида аниқланади;

саноат корхонаси барқарор ривожланишининг таркибий қисмларини аниқлаш саноат корхонаси барқарорлигини баҳолаш соҳасида жаҳон назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш асосида аниқланади;

корхонанинг барқарор ривожланиш таркибий қисмларини тавсифловчи кўрсаткичларни танлаш;

диагностика учун эмпирик асосни танлаш; ишончли манбалардан кўрсаткичларни ийфиш ва уларни бирламчи қайта ишлаш;

сўров ўтказилаётган корхонанинг барқарор ривожланиш таркибий қисмлари учун жамлама ва интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш;

олинган натижаларни талқин қилиш;

сўров ўтказилаётган корхоналарнинг барқарор ривожланишини белгиловчи асосий таркибий қисмларни аниқлаш.

«Саноат корхонасининг мавжуд рақобатбардош устунликларини аниқлаш ва баҳолаш» иккинчи босқичи қўйидагиларни назарда тутади:

саноат корхоналарининг рақобатбардош устунликларини аниқлаш ва таснифлаш;

корхонанинг рақобатбардош устунликларининг барқарор ривожланиш даражасига таъсирининг асосий моделини ишлаб чиқиш;

соҳанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, корхонанинг стратегик рақобатбардош

КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ ВА КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ

устунликларининг барқарор ривожланиш дара-
жасига таъсири моделини ишлаб чиқиш;

саноат корхонасининг барқарор ривожла-
нишига таъсир кўрсатадиган стратегик рақо-
батбардош устунликларини аниқлаш;

корхонанинг стратегик рақобатбардош
устунликларини тавсифловчи йиғма интеграл
коэффициентни ҳисоблаш формуласини ва
стратегик рақобатбардош устунликларининг аҳа-
миятини баҳолаш шкаласини ишлаб чиқиш;

саноат корхоналарининг рақобатбардош
устунликларини миқдорий баҳолаш.

Учинчи босқичда «Стратегик рақобатбар-
дош устунликларнинг саноат корхонасининг
барқарор ривожланишига таъсирини баҳолаш»
қўйидагиларни назарда тутади:

стратегик рақобатбардош устунликлар-
нинг корхонанинг барқарор ривожланиш хусу-
сиятига таъсирини тавсифловчи график тузи;
хулосаларни шакллантириш;

замонавий саноат корхоналарининг бар-
қарор ривожланишини ва кейинги босқичга
ўтиш имкониятини таъминлайдиган зарур стр-
атегик рақобатдош устунликларни яратиш-
нинг асосий йўналишларини аниқлаш;

стратегик рақобатбардош устунликларни
 rivожлантириш учун мотивация механизми ва
бошқарув воситаларини шакллантириш.

Услубиятни синовдан ўтказиш учун эмпи-
рик асос сифатида Тошкент шахри ва Бухоро
вилоятининг худудий тармоқ корхоналарини
танладик, яъни:

1. «BUXORO ZARHAL TEKS» МЧЖ;
2. «KAMALAK SHABNAM TEKS» МЧЖ;
3. «TEXTILES SPEKTRUM KOLORS» қўшма
корхонаси;
4. «BETLIS TEKSTIL» МЧЖ;
5. «FULL COTTON» МЧЖ.

Кўйидаги ҳолатлар корхоналарни танлаш-
ни аниқлаб берди:

биринчи гуруҳ корхоналари бир ҳудудда
жойлашганлиги. Шу муносабат билан «Ўзтўқи-
мачиликсаноат» уюшмасининг таркибиага ки-
рувчи танланган корхоналари учун ҳудудий
даражадаги стратегик рақобат афзалликлари
бир хил;

мавжуд ва янги корхоналарни вакиллик
қилиш барқарор ривожланиши таъминлаш
шартларини таққослаш учун зарурдир. Биринчи
ҳолда, стратегик рақобат афзалликлари орасида
устуворлик саноат хусусиятлари билан белги-
ланганларга берилади, иккинчи ҳолда «Raқobat-
чилар билан табақалашув» ва «Янги имконият-
лар» гуруҳларидан стратегик рақобат устунлик-
ларини шакллантиришга дарҳол эътибор берилади,
чунки, улардан бозор муносабатларини
тўқимачилик тармоғига киритиш, иккинчидан,
ягона миллий пахта-тўқимачилик кластери
тизимини ривожлантириш учун инновацион
сценариини амалга ошириш учун фойдаланиш
мумкин.

Хусусий ва интеграл коэффициентларни
ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар ўрга-
нилаётган тўқимачилик корхоналар томонидан
эксперт ишининг таркибий қисми сифатида
тақдим этилди.

Барқарор ривожланиш даражасини аниқ-
лашда ушбу корхоналарнинг 2018-2020 йиллар-
даги ҳисобот материалларидан фойдаланилди

Тадқиқот жараёнида тўқимачилик корхона-
ларининг стратегик рақобат афзалликларини
тавсифловчи барқарор ривожланиш даражаси
ва коэффициентлари миқдорини ҳисоблаш учун
анкета сўров амалга оширилди. Натижаларга
қайта ишлов бериш асосида сўровда қатнашган
тўқимачилик корхоналарининг стратегик рақо-
бат афзалликларини тавсифловчи барқарор ри-
вожланиш даражаси ва коэффициентларни ба-
ҳоланди ва натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Сўровда қатнашган тўқимачилик саноати корхоналарининг стратегик рақобат афзалликла- рини тавсифловчи барқарор ривожланиш даражаси ва коэффициентлари миқдори

Корхоналар номланиши	Х қиймати	У қиймати	Барқарорлик даражаси
«BUXORO ZARHAL TEKS» МЧЖ	0,13	0,16	нормал барқарор ривожланиш
«KAMALAK SHABNAM TEKS» МЧЖ	0,30	0,42	критик ҳолат
«TEXTILES SPEKTRUM KOLORS» қўшма корхонаси	0,26	0,36	критик ҳолат
«BETLIS TEKSTIL» МЧЖ	0,34	0,48	нормал барқарор ривожланиш
«FULL COTTON» МЧЖ	0,29	0,41	нормал барқарор ривожланиш
«BUXORO ZARHAL TEKS» МЧЖ	0,13	0,16	нормал барқарор ривожланиш

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Ривожланишнинг энг юқори даражаси
«BETLIS TEKSTIL» МЧЖ учун хосдир, улар янги
имкониятлар гуруҳидан тўқимачилик маҳсулот-
лари истеъмолчиларининг жорий ва келажакда-
ги эҳтиёжларини қондириш, самарали стан-

дартларни белгилаш фаолияти, инновацион ло-
йиҳаларни ишлаб чиқиш ва самарали ташкилий
тузилма ва бошқарув аппаратига эгадирлар. Бу
стратегик рақобат афзалликлари танланган ри-
вожланиш стратегиясини самарали амалга оши-

риш ва қўйилган мақсадни амалга оширишни таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар. Амалда мавжуд вазиятни таҳлил қилиш натижалари асосида тўқимачилик корхоналарида стратегик рақобат устунликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тўқимачилик маҳсулотлари истеъмолчи-
ларининг келажак эҳтиёжларини олдиндан
англай билиш;

кулай институционал муҳитни яратиш;
инновация фаолиятини фаоллаштириш;
маркетинг фаолиятини фаоллаштириш;
етарлича жавоб бера оладиган бошқарув
тизими самарадорлигини ошириш;

омиллар ва меҳнат шароитларининг тез
ўзгаришига ўз вақтида муносаб жавоб бера ола-
диган бошқарув тизими самарадорлигини оши-
риш;

кенг миқёсда барча соҳаларда рақамлаш-
тириш технологиясидан самарали фойдаланиш.

Стратегик рақобат устунликлари таъсири-
ни диагностикалаш учун таклиф этилаётган
усулнинг афзалликлари қўйидагилар саналади:

1) хабардорлик (комплекслилик ва кўп
ўлчамлилик, шу жумладан, ички ва ташқи му-
ҳитнинг кўплаб омиллари, стратегик рақобат
устунликларининг аксарияти);

2) мавжудлик (жамоатчилик учун эркин
мавжуд корхона ҳисоботлардан фойдаланиш);

3) мослашувчанлик (хусусий кўрсаткич-
лар тўпламидан олинган умумий ва интеграл
кўрсаткичлардан фойдаланиш);

4) кўп қирралил (турли саноат йўналиши-
да);

5) муаммолар ҳақида эрта хабар бериш-
лик (баҳолаш пайтида муаммоли йўналишлар
ўчогини аниқлаш имконини беради);

6) ривожланиш динамикасини аниқлаш
имконини беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони / www.lex.uz.
2. Ожегов С.И., Шведкова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: – М.: Азбуковник, 2016. – 944 с.
3. Кныш М.И. Конкурентные стратегии: учеб. Пособие – СПб: изд. СПбГУ экономики и финансов, 2010. – 284 с.
4. Краткий словарь менеджера / Под ред. В.П.Грошева. – М.: Союз менеджеров СССР: Гл. ред. междунар. журн. «Пробл. теории и практики управления», 2014. – 156 с.
5. Андреева О.Д. Технология бизнеса: маркетинг. – М.: ИНФРА-М, 2001. – 224с.
6. Маркетинг / Под ред. Кредисова А.И. – К: Украина, 2015. – 399 с.
7. Коваленко А.И. Теоретические и методологические аспекты использования концепции «конкурентоспособности» в научных исследованиях // Современная конкуренция. – 2016. – № 6 (42) – с. 277
8. Ламбен Ж. Ж. Стратегический маркетинг / Ж. Ж. Ламбен. – Спб.: Наука, 2011. – 368 с.
9. Мазилкина Е.И. Управление конкурентоспособность: учеб. пособие/Е.И.Мазилкина, Г.Г.Паничкина. – М: Омега-Л, 2007. - 325 с.